

Қадр кечасини ибодат билан ўтказишнинг фазли



17:25 / 17.06.2017 7702

Имом Бухорий Абу Ҳурайра розияллоху анҳудан ривоят қилади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам шундай дедилар: **«Ким Қадр кечасини иймон билан, савоб умидида ибодат билан ўтказса, ўтган гуноҳлари мағфират қилинади. Ким Рамазон рўзасини иймон билан, савоб умидида тутса, ўтган гуноҳлари мағфират қилинади».**

Қадр кечасини излаш

Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам Қадр кечасини Рамазоннинг охирги ўн кунлигида ҳамда охирги ўн кунликнинг тоқ кечаларида излашга чақирдилар.

Имом Бухорий Оиша розияллоху анҳодан ривоят қилади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам: **«Қадр кечасини Рамазондаги охирги ўн кунликнинг тоқларидан изланглар»**, дедилар».

Охирги ўн кунликни бошланиши Рамазон ойининг кунларига қараб ҳар хил бўлади. Агар ой тўлиқ бўлса, охирги ўн кунлик йигирма биринчи кечадан бошланиб, йигирма учинчи, йигирма бешинчи, йигирма еттинчи ва йигирма тўққизинчи тоқ кечаларда бўлади. Агар ой ноқис бўлса, охирги ўн кунлик йигирманчи кечадан бошланади. Бу биринчи кеча бўлиб, кейин йигирма иккинчи, йигирма тўртинчи, йигирма олтинчи ва йигирма саккизинчи кечалар бўлади. Шунинг учун охирги ўн кунликнинг ҳар бир кечасини тоқ кечалар дейиш мумкин. Шунинг учун Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам охирги ўн кунликнинг кечаларини ибодатда ўтказишга ҳарис эдилар.

Имом Бухорий Оиша розияллоху анҳодан ривоят қилади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам Рамазоннинг охирги ўн кунлигида эътиқоф ўтирар эдилар ва: **«Қадр кечасини Рамазоннинг охирги ўн кунлигидан изланглар»**, дер эдилар».

Охирги ўн кунликда солиҳ амаллар қилиш

Аллоҳ азза ва жалла уммати Муҳаммадийяни ҳар йили келадиган Қадр кечаси билан икром қилган. Бу кечада қилинган амал бошқа кечаларда минг ой қилинган амалдан яхшидир. Аллоҳ таоло: **«Қадр кечаси минг ойдан яхшироқдир»**, деган (*Қадр сураси, 3-оят*).

Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам умматларига охирги ўн кечада Қадр кечасининг фазлига етишиш учун бу кечаларда ижтиҳод қилишни суннат қилдилар, чунки Қадр кечаси ўша кечаларнинг биридадир.

Имом Бухорий Оиша розияллоху анҳодан ривоят қилади:

«(Охирги) ўн кунлик кирса, Набий соллаллоху алайҳи васаллам изорларини маҳкам боғлаб, кечани ихё қилар, аҳлларини ҳам уйғотар эдилар».

Ҳадисдаги «изорларини маҳкам боғлаб» деган жумла бир вақтнинг ўзида ҳақиқий ва мажозий маънони англатиши мумкин. Иккала маънодан бири ҳам бўлиши мумкин. Демак, бу жумлани «изорларини маҳкам боғлардилар, уни ечмасдилар» ёки «аёлларидан четландилар», «ибодатга бел боғладилар», «астойдил киришдилар» деганмаъноларда тушуниш мумкин.

«Кечани ихё қилиш» деганда тунни тоат-ибодат билан бедор ўтказиш билан тирилтирардилар, чунки уйқу ўлимни укасидир. Бу худди Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Уйларингизни қабрга айлангириб юборманглар», деган сўзларига ўхшайди, яъни «Уйда намозўқилмаса, ўзингиз ўликка, уйингиз қабрга айланиб қолмасин».

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам охириги ўн кунликда ибодатда бардавом бўлишга ҳарис эдилар. Бу набавийўрнакда инсон умрининг хотимаси яхши бўлиши учун ойнанинг хотимасини ҳам яхшилашга тарғиб бор. Аллоҳ таоло барчамизга Ўз фазли карами билан ҳусни хотима насиб қилсин.

*Таржимон **Муҳаммад Али Муҳаммад Юсуф***